

4345235-СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташиқлотлари) учун

Самарқанд ш.

2022 йил 7 феврал.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан Компаниянинг “Ўзбектелеком” АҚ Самарқанд филиали директори Султанов Тулқинжон Ибрагимович (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан 3 СОН БОЛАЛАР МУСНИКАВА САНЪАТ МАКТАБИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи И.Хусанов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни такдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун шартномада белгиланган тартибда ва Операторнинг веб-сайтида эълон қилинган шартнома тузилган вақтда белгиланган тартибда такдим этилади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорда олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташиқлоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорда белгиланган тартибда белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСи) ҳисобга олган ҳолда 177 000 (Бир юз етти миң ВТТи миң) сўми ташкил этади. Ушбу сумма 165 000 (Бир юз олти миң беш миң 000) сўм миқдордаги Абонент тўловини ҳамда 11 400 (Ҳиндир миң тўрт юз) миқдордаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь оyi) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан такдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь оyi учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан такдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь оyiда такдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.



**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги -Миллий валюта(сўм)

т/р	Хизматларноми	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдор и	Ой (сон и)	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5		6
<b>I. Бирмарталик тўловлар</b>						
1.1	Битта (шахар, туман) ракамидан фойдаланиш хукукини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов)		125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади			
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	Бир ойлик абонент тўлови "Оддий" тариф режаси (180 минут, лимитдан ортик сўзлашув 12 сўмдан)	6 900,00	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	2	12	165 600,00
2.2	Кушимча хизмат турлари (телеграф, факс, АОН, параллель, прямой провод, пароль, соед. линия, переадр., ...)	950,00	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади		12	11 400,00
2.3	Лимитдан ортик сўзлашув (ўртача)		125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади			
	Жами (лимитдан тўлов)					177 000, 00

Пробный период Scanitto Pro окончен

Please visit [www.scanitto.com](http://www.scanitto.com)

Жами олдиндан тўлов миқдори 177000  
 (Бир юз етмиш етти минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 177000 (Бир юз етмиш етти минг) сўмни ташкил этади. Ундан 6 900,00 (олти минг тўққиз юз) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
 "Ўзбектелеком" АК  
 Самарқанд филиали

**АБОНЕНТ:**  
 3 СОН БОЛАЛАР МУСИКАВА САЊАТ МАКТАБИ

Оператор номидан:  
 Директор \_\_\_\_\_ / Т.И.Султанов/  
 /имзо/  
 м.ў.

Абонент номидан:  
 \_\_\_\_\_ /И.Хусанинов/  
 /имзо/  
 м.ў.